

СОВЕТ қишлоғининг бутунги қўни ўзгача. Янги тилда қурилган турар-жой бинолари, кенг-равон кўчалар, клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, маданий хизмат кўрсатиш объектлари, магазинлар... Қишлоқларнинг бу қадар тез суръатлар билан қўрқамлашиб бораётганлиги бежиз эмас, албатта. Бу вазифа КПСС XXV съезди қарорларида илгари сурилган асосий проблемалардан биридир. Шунинг учун ҳам маҳаллий советлар ўзларининг диққат-эътиборларини қишлоқларни социал-тараққиёт плани асосида комплекс ривожлантириш, қолхоз ва совхозлар фаолиятини ана шу муҳим ва шарафли вазифага қаратишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Кейинги йиллар ичида қишлоқ қурилиши ўзгача тус олди. Қад кўтарилган ҳар бир уй, ҳар бир маданий, маданий хизмат биноларида архитекторнинг қўли бор. Бунёд

этилатган магистрал йўллар, аҳоли пунктлари фақат қурувчиларнинг ишга қўйилган қўли билан, балки қишлоқнинг келажакни яқин тасаввур этувчи олинлар, социологлар, маданий ва маориф ходимларининг ҳамкорлигида ишга айланди.

Социалистик қишлоқ фақат қўни жиҳатдангина ўзгартириб қолмаётди, балки у маънавий жиҳатдан тобора бойиб бормоқда. Унлаб маданият университетлари, янги ахборот курслари, таъриба алмашув учрашувлари фикрининг ёрқин далилидир.

Ҳозирги қишлоқ ёшларни оталарнинг жанговар ахборотлар руҳида, она-Ватанга садоқат, совет ҳалқига чексиз меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда олдинга қараб зафарли олим ташлади.

Қишлоқнинг шаҳарга яқинлашуви проблемасини ҳал

этишда советлар мусобақанинг турли формаларида фойдаланишмоқдалар. Қўриқ-конкурслар, қишлоқлар ва посёлкалараро ўзаро мусобақалар, бадний ҳаваскорлик турнақларининг қўриқлари шулар жумласидандир.

Утган йили 27 май кунин Тошкентда очилган қишлоқ меҳнатқашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, қишлоқнинг турмуш маданиятини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция қишлоқларнинг фаровонлашуви йўлини белгилашда муҳим роль ўйнади. Оҳангарон районидagi Қорахитой қишлоқ Совети меҳнатқашлар турмуш маданиятини юксалтириш, қишлоқ кўриқга кўриқ қўнида ана шу конференция қарорлари асосида иш тутиб аниқлаш муваффақиятларга эришти. Қўида ана шу қишлоқ Советининг иш фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

ОБОД ВА КЎРКАМ

УТГАН йилнинг декабрида Тошкент олий партия мактабиде малака ошираётган совет ходимлари Қорахитой қишлоқ Советига келишди. Уларни ижроия комитетнинг иш таърибаси, депутатлар фаолияти, сайловчилар нақзаларининг баъжарилиши қизиқтирар эди. Тингловчилар гуруҳларига бўлиниб қишлоқ территориясини айландилар. Аниқсиз уларда Улуу Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик, чинор нисоллари буй қўзғатган равон кўчалар, истироҳат масканлари катта таассурот қолдирди.

Маданият уйида ўтказилган йилги қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Самад Оллабердиев меҳмонларга қўлга киритилган ютуқлар, қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида таъриб берди. Қишлоқда 2636 ўқувчини ўз бағрига олган бешта ўрта, битта саккиз йиллик мактаб мавжуд. Йил давомида фаолият кўрсатган иккита пионерлар уйида юзлаб кичикинтойлар шугулланоқдалар. Қишлоқ Совети территориясида жойлашган поликленика, меҳнат, дорихоналар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Дала меҳнатқашларининг болалари тарбияланаётган боғча-ясиллар ўз кўриш, иш мазмунини жиҳатдан шаҳар боғчаларидан қилишмоқда. Замонавий қилиб қурилган қишлоқ магазинлари, универмаг, нон-войхона, ошхона, чойхоналар ҳамма аҳоли хизматига. 26.500 китоб фондига эга бўлган қишлоқ кутубхонаси 1974 йили Ўзбекистон ССР Маданият-министрлигининг вицепели, дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Энди аҳоли енгил пойфазел ремонтини, кийим буюртириш учун район марказига бормайди. Қишлоқ территориясида аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш қорхонасининг бир неча павильонини мунтазам ишлаб турибди.

Турмуш маданиятини ошириш йўлида қишлоқ Совети депутатлари, доимий комиссиялар олиб бораётган ишлар ибратлидир. Бу ерда гушисиз ҳил ҳил қаторига, чинорсиз кўча-кўча қаторига қўшилмоқда. Қишлоқ кексалари ёшларга, умрининг боқийлигини кўрсатган десант чинор эки, деб насахат қилишди. Биргина ўтган йилнинг ўзида асосий йул чеккаларига 5000 туп мева, 100 минг туп манзарали дарахт кичиклари ўтказилди. Баҳорда қишлоқнинг яшил либос кийиб, келинчекдек жамол очибди ҳам шундан.

Утган йили қишлоқда 86 хўжалик ҳовли тўйларга ўтказди. Охириги хўжалик плани участкалар қаторига кўчиб чиқиб қишлоқ хўжалик ҳовлида хўтот системаси тугатилди. Бу ишларнинг ҳаммаси аниқ план асосида олиб борилади. Ҳар бир оилада, бутун қишлоқда маданий турмуш эисини тарқатишда депутатлардан Туркун Абдулқайим, Деҳқон Норбоев, Турғун Жўраев, Сарбои Баратов, Жамол Файзуевларнинг хиссаси катта.

Т. Абдулқайим ўтган сайлов вақтида ободчилик комиссиясига раислик қиларди. У депутат сифатида сайловчилар билан муштаҳам алоқа боғлади. Қишлоқ кексалари

унга қабристонини ободонлаштириш тўрисида нақаз билан мувожабат қилдилар. Бу таъриф қишлоқ Советининг сессиясида ўрганилди. Ижроия комитет ўзаро йигим фондидан қурилиш материаллари учун маблағ ажратди. Қолган барча ишлар ҳашар йўли билан амалга ошди. Қабристон атрофи — 1100 метр масофа пишиқ гишт билан ўралди. Чинор ва гуллар экилди. Депутат қишлоқ Совети номидан сайловчилар олдида ҳисоб берганда ун ҳамма олқишларди. Аниқдан бери қишлоқ Советини ўйлантириб келатган бир масала бор эди. У ҳам бўлса оила маданиятини юксалтириш. Ижроия комитет йилги ишларидан бирда ҳар бир хўжаликнинг оила бюджетидан фойдаланиш масаласи ўрганилди. Баъзи оилалар иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишларига қарамай фақат машина олиш иштиёқи билан банд бўладилар. Уни керакли мебеллар билан жиҳозлаш, аёллар меҳнатини енгиллатиш, фарзандларини тузукроқ кийинтириш, уларнинг дарс тайёрлашлари учун уйда қўлайлик яратиш билан қизиқмасдилар. Баъзи оилалар бутун тоғлан-туғланларини дабдабали тўйларга сарфлаганлари ҳолда тушашга тузукроқ палослари, ўтиришга стуллари йўқ эди. Бу ҳол депутатларни ташвишлантирди. Ана шу масалага бағишлаб сайловчилар билан учрашув ўтказишга қарор қилинди. Учрашувда депутатлар кўтарган масала қишлоқдаги оилаларнинг ҳаммасига ҳам ақиб тушавермади. Уйимизда нима бор, нима йўқлигини суриштирган-дан кўра водопроводни ишлаб чиқариш, газ олиб келишларга деб писанда қилишлар ҳам чиқди. Аҳоли водопровод сувидан баҳраманд бўлди. Хўжаликларнинг аксарият қисми баллонли газдан фойдаланаётган бўлди. Аммо оила маданиятини тиклаш учун кураш сўнмади. Энди қишлоқда радиоланаман, «зангори экрандан баҳраманд бўлмаган хонадон» дегини қолмади. Хўжалик магазинига ҳолодильник, кир ювиш машиниси сўреб мувожабат қилувчилар сонини кўлайди. Унлаб оилалар уларини мебеллар билан жиҳозладилар. Мактаб ўқувчилари, кичикинтойларнинг кийим-кечаклари ҳам ўзгартирилган бўла бошлади. Бу депутатлар учун катта ютуқ эди.

— Бу ютуқ билан ҳали мактаб олимпиадаси, — дейди қишлоқ Советининг секретари Х. Каримова. — Ҳар бир оилада оройиштак бўлиши учун кураш давом этаверади.

Секретарь ҳақ таъин айтди. Чунки оила учун ҳолнинг озодаллиги, жиҳозлар ҳали тўла маданиятга эришганлиги белгиси эмас, шу хонадон аъзоларининг билим доирасини кенгайтиб бориши, қўлайлик маданий турмуш — санъат мақсулларидан қандай баҳраманд бўлаётганлиги ҳам роля ўйнайди. Бу жиҳатдан маданият уйида ва турли участкалардаги клубларда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Утган йили маданият уйида оилани муштаҳамлашга қаратилган бир неча суҳбатлар ўтказилди.

Бу таъбирлар қишлоқ оилаларида янгилашувни шакллантириш, қишлоқ ҳаётини шаҳар ҳаётига тобора яқинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

С. ҲАСАНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

ҚИШЛОҚЛАРГА — ШАҲАР ЧИРОЙИ

МЕҲНАТ — РОҲАТ

ҚИШЛОҚ Совети территориясида жойлашган 1-Оҳангарон совхозининг 1-бўлими ишчилари ўтган беш йилда алоҳида шикоят кўрсатиш ниятлариди. Ҳуссан «Оҳангарон» совхозида беш йил мобайнида сабабот, мева, узум етиштириш мўйалдагидан анча ошиб кетди. Шу йиллар мобайнида давлатта пландаги 770 тонна ўрнига 2070 тонна галла топирилиб, бу соҳадаги план 267 процент бажарилиди. Полн маҳсулотлари, қартошка етиштиришда ҳам бир мунча муваффақиятлар қўлга киритилди.

Бундай ютуқларга эришишимизда, дейди совхоз директори Исақул Султонов бутун бойликларининг маънавий бўлган ерни меҳр билан парваришлаганимиз қўл келди. Биз ҳар йили кўзда тутиб турган ишларини агротехника қондаларига тўла риоя қилган ҳолда амалга оширамиз. Узумзорлар, мева боғларига сифатли ишлов берилади.

Совхозда қилинган ишларнинг ҳаммаси йил давомида аниқ ҳисобга олиб борилади. Мутахассислардан иборат тузилган иқтисодий анализ совети ҳар бир бўлим, бригаданинг қанча маблағ сарф қилиб, қанча маҳсулот етиштиратганини ойма-ой анализ қилиб боради. Ёнги илгор бригадалар иш таърибаси омма-лаштирилди. Масалан, беш йиллик боғида Хамидов боғлиқ сабаботчилар, И. Абдураҳмонов етацилик қилаётган мева етиштириш, Д. Ортиқова боғчиликдаги узумчилар бригадасининг иш фаолияти, даромадни қандай қилиб кўпайтириб бораётганлиги тўғрисида совхоздаги барча бригадаларда суҳбат ўтказилди. Суҳбатлар вақтида ҳар бригада қўлга киритган кўрсаткичлар қислаб кўрсатилади. Нима учун юқорида номини тилга олинган бригадаларда ўртача ойлик ҳақи 100—110 сўмдан айланганлигино, боғчаларда бир хил шароитнинг ўзида бу кўрсаткич ўн-йигирма сўмга камайиб кетганлиги мисоллар билан кўрсатиб берилади.

«Ангрен» совхозининг 1-бўлимида эса чорвачиликдаги ютуқ ва камчиликлар худди шу бўлимида анализ қилиб борилади. Натижада беш йил мобайнида ҳар иккала совхоз чорвачиларида давлатта пландагидан 305 тонна кўп гўшт, 1760 тонна кўп сут топирилиши муваффақ бўлди.

Дала экинлари ва чорвачилик маҳсулотларини қўлайлигида, совхозлар экономикасини муштаҳамлашда қишлоқ Совети қондалаги доимий комиссиялар муҳим роль ўйнадилар. Қишлоқ хўжалик бўйича ташкил этилган комиссия ўз йилги ишларида ерларнинг меиоратив

ҳолатини яқинлаш, чорвачилар учун қўлай шароит яратиш, етиштирилган маҳсулотларни тегишли жойларга сифатли етказиб бериш сингари муҳим масалаларни муҳокама қилди. Комиссия қишлоқ Совети сессиясига меҳнат илгорларини рағбатлантириш, меҳнатига қараб ҳақ тўлашни тўғри ташкил этиш, қишлоқнинг уюшқонлиқ билан ўтказиш каби масалаларни ҳавола этиб, бу соҳадаги ишларни намунали йўлга қўйишга ёрдам берди.

Бўлимлар, бригадалар авж олдирилган социалистик мусобақада депутатлар фаоллик кўрсатдилар. Ҳозир қишлоқ Советининг депутати, кўп йиллардан бери чўпон бўлиб ишлаб келатган Мўмин Холтўраев номи бурғина «Ангрен» совхозида эмас, балки районда ҳам ҳурмат билан тилга олинади. У ўтган беш йилда қўйлардан насл олиш, жун қирқиб топириш бўйича социалистик мусобақа қолиб бўлди. Моҳир чўпон бу йил 550 совлиқнинг ҳар 100 тасидан 130 тадан қўзи олишга аҳд қилган эди. У баҳорги қўзиланиш ҳисобига бу мажбуриятини ҳам бажарди.

М. Холтўраевдан намуна олиб ишлаётган И. Эргашев, М. Эралиев, М. Каримов, И. Нишонов сингари чўпонлар ҳам қўвончли натижаларга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўтган йили Ангрен совхозини 1-бўлими бузоқ олиш планини 194 ўрнига 205 боғша, қўзи олиш планини 3948 бош ўрнига 4064 боғша бажарди.

Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик борасида келтирилган фантлар ҳар иккала совхознинг даромад манбаи. Йил сайин ортнб бораётганлигидан далолат беради. Бу даромаднинг аниқлиги қисми совхозлар моддий техника базасини муштаҳамлашга сарфлади. Янги тилдаги молхоналар ишга туширилди. Аниқсиз, адирлар бағридан юлиб олинган ерларга сув чиқариш проблемалари тезкорлик билан ҳал этилди. Ҳозирги пайтда ҳар иккала совхоз 22057 гектар ер майдонига эга. Шундан ўн минг гектарини йил-ловлар ташкил этади. Қишлоқ совети совхозлар мутахассислари билан биргаликда йил-ловлар унумдорлигини ошириш борасида тамхўрлик қилмоқда.

Утган йили чорвачилар қишлоқга пухта тайёргарлик қўйдилар. Ём-хашак, силос, сенаж етарли даражада тайёрланди ва чорва қишлоқтагидаги жойларга элтиб қўйилди. Шунинг учун ҳам азамат чорвачилар 3,5 минг бошдан кўпроқ қорамоли ва 20300 бош қўйини, «кички имтиҳон»дан муваффақиятли олиб ўтдилар.

Ери унумдор, чорваси тўқ деҳқон ҳамиша фаровон яшайди. Қорахитой қишлоғида бўлган кишининг бунга ишоячи қомил.



Пенсионер, юрист Муҳаммад Қаймов меҳнатқашлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда актив ёрдам бермоқда. Суратда: М. Қаймов (ўртада) қишлоқ Совети активлари билан суҳбат пайтида.

ОДАМЛАРНИНГ тарбияси, уларнинг руҳий ва маънавий қиёфаси шаклланиши кўп жиҳатдан турмушнинг нақадар омилкорлик билан ташкил этилганлигига, турмуш маданияти нақадар юксаклигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шу сабабли юксак турмуш маданияти учун кураш — аввало, янги инсон учун, шахснинг ҳар томонлама камолоти учун, коммунистик жамият қуриш учун кураш демакдир.

✦ ҚОРАХИТОЙ қишлоқ Советининг территорияси 450 квадрат километр, ер майдони 22057 гектар. Бу ерда 1526 хўжалик бўлиб, 9597 киши истиқомат қилади.

✦ ҚИШЛОҚ Совети территориясида 493 нафар олий маълумотли мутахассис ишқомат қилади.

✦ КЕИНИГИ йиллар ичида қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатаётган маънавий хизмат тоҷналари сонини 58 тага етди.

✦ ҚИШЛОҚ Совети 1931 йилда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда унинг 77 депу-

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

мукофоти билан тақдирланди.

✦ БУНДАН уч йил аввал қишлоқ марказида Улуу Ватан урушида мардларга ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорлик ўрнатилди. Унда 538 нафар жангчиларнинг номини зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

✦ ҲОЗИР қишлоқда 865 киши кексаллиги учун пенсия билан таъминланган. Ўтган йилнинг ўзида моддий жиҳатдан кам таъминланган 960 хўжалик 8 ёшга бўлган фарзандлари учун 86 минг сўм нафақа олди.

✦ ҚИШЛОҚ кутубхонаси 26500 китоб фондига ва 2480 китобхонага эга.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР

ҚИШЛОҚ Советининг янги биноси ташкил қилиниши, хоналарнинг безатилиши жиҳатидан кўриклари ва сермазун. Унга қираверишдаги экинчи чал томонда меҳнат ветеранлари, Улуу Ватан урушидан қўсқини орден, медалларга тўлдириб қайтган қишлоқ фарзандларининг портретлари ўрин олган стенд бор. Қўнучиликнинг муштаҳамлаш, доимий комиссиялар структурасига оид стендлар ҳам иш эътиборини ўзига жалб этади. Кенг, ёруғ хоналардан бири ЗАГС учун ажратилган. Аҳоли турмушига аниқлаш тобора бораётганлигини

белгиларидан бирини шу ерда кўриш мумкин. Советлар ўлкасининг нурли замони, Кўёв-келиш шавқидан қўйлар ҳар оми. Зафарли ҳаёт сари чорлар истиқбол. Гул ёшлиқнинг бахти деб қўлади иқбол.

Бу туртки зарҳал харфлар билан ёқутранг матога ёзилб деворга чиройли жойлаштирилган. Унинг ёнига икки ёнинг ҳамиша биргалигини фода этувчи қўш узук ифодаси. Стол устидаги альбом қишлоқ ёшларининг тўй кечалари ҳақида ҳикоя қилади. Қишлоқда тўйлар камча-

ражатли, сермазун ва файзли ўтмоқда. Тўй кечаларида кенса меҳнат ветеранларидан бирининг чиқиб келин-кўёвини бутун қишлоқ аҳоли номидан муборакбод этиши одат тусига кирди. Қишлоқ Совети ёшларга тўй кечаларининг хотираси сифатида эсдалик соғалари топираётди.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш доимо қишлоқ Советининг эътиборида. Уч йилларни ўқувчиларни пионерликка қабул қилиш Улуу Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнида ўтказилди. Бундай таънада ота-оналар

ҳам иштирок этадилар. Пионерлар Ватанга, ҳалққа садоқатли бўлиш тўғрисида, хўшёр ва жасур бўлиб етишш ҳақида қасамёд қилар эканлар, «бунга асосиниз бор, мана акаларимиз ҳам бир вақтлари биз каби пионер бўлганлар» деган ўйни ҳаёлларидан ўтказадилар. Бу эса уларда ватанпарварлик ҳиссинини янада кучайтирмоқда.

Ҳар йили ҳосил байрамлари ўтказилиш, наврозни нишонлаш, янги туғилганларни таъналади вазиятда рўйхатга олиш, паспорт топиш-

риш, Совет Армияси сафига кузатиш сингари янгича анъаналар ҳам бу қишлоқ ҳаётида муштаҳам ўрин олди.

Янгича турмуш тарзини тарғиб қилишда қишлоқ Совети депутатларининг активлиги диққатга сазовордир. Улар янгича турмуш тарзи ҳақига миллатлар турмушини энг яхши фазилатлардан ташкил топилини ахсини тушуниган ҳолда мактабларда интернационал тарбияни юксак даражага кўтаргани ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозирги пайтда қишлоқдаги ҳар бир мактабда интернационал дўстлик клуби мавжуд. Пионер ва ўқувчилар соция-

листик ҳамдўст мамлакатлардаги тенгдошлари билан хат орқали алоқа қилиб турадилар. Бундан ташқари вақти-вақти билан мактабларда боллар қунари, рус класиклари поэзияси кўни, қозоқ, тожик ва бошқа халқлар адабиётига бағишланган кечалар ўтиб турадики, бундай саналарда барча миллат вакиллари иштирок этадилар. Бу эса ёшларни миллатларнинг ҳаммасига чексиз муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

— Тузумимизнинг кучи омманинг онглигинидир, — дейди Л. И. Брежнев партия XXV съезидида қилган докладыда, — шунинг учун ҳам партия коммунистик онглигини тарбиялашни, одамларни коммунизм қуришга тайёр, иродали ва уқувли қилиб тарбиялашни ўзининг доимий иши деб ҳисоблайди.

Съезд минбаридан янграган бу сўзлар ҳамма қатори Қорахитой қишлоқ Совети депутатлари учун ҳам иш программаси бўлиб қолиш шубҳасиз. Улар ўзларининг бутун гайратларини, диққат-эътиборларини қишлоқ фаровонлигини ошириш, меҳнат кўтарилганлигини авж олдириш, коммунистик жамият кишинини тарбиялашга қаратаверади.

С. ҲАСАНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



Бахтли ҳаётга биргаликда олим ташлаётган икки ёш қишлоқ Советининг ЗАГС хонасидан ҳаммиша ана шундай юксак кайфият билан чиқади.



Суратда: қишлоқ Советининг янги биноси.

Ғамхўрликка жавобан

Сўнги йиллар давомида қишлоқда халқ маорифини ривожлантиришда алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ Совети ана шу кўрсаткичларни амалга ошириш йўлида анчагина ишлар қилди. Ҳозирги пайтда дегирли ҳамма мактабларнинг моддий базаси мус-

тақамланди. Кечки ишчи-ёшлар мактабиде дарс бериш учун малакали ўқитувчилар жалб этилди. Қишлоқдаги музика мактабиде 143 ўқувчи таълим олаётди. Ёшлар ўзларига яратилган бундай шароитдан миннатдор бўлганлари ҳолда ёнги ка-

никул вақтларида, ўқийдиган бўш пайтларида ота-оналарига кўмаклашмоқдалар. Утган йили мактаб ўқувчиларининг ердими билан 2 минг тоннадан зиёд мева, сабабот йиғиштириб олинди. Мактаб талабаларидан аниқлини ферма ва отарлар ишига ҳам ёрдамлашадилар.

